# УМРИНГИЗДАН БАРАКА ТОПИНГ, ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАНГ, ҚАДРЛИ УСТОЗЛАР!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O‘ZBEKISTON OVOZI

• 2012-yil, 29-sentabr. Shanba • 118-119 (31.551) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Мухтарам юртдошлар!

Бугун, мана шу қутлуғ айёмда барчамиз учун энг азиз, энг қадрли бўлган фарзандларимизга билим ва тарбия беришдек улуғ ишга бутун борлиғини бағишлаган сиз, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларни чин қалбимдан табриклаб, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Азиз дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги минг-минглаб касблар орасида иккита буюк касб — шифокорлик ва ўқитувчилик касби борки, улар, токи ҳаёт бор экан, ўзининг маъно-мазмуни ва олижаноблигини, аҳамияти ва ҳурматини ҳеч қачон йўқотмайди.

Бугун биз Ўқитувчи ва мураббийлар куни деб ном олган гўзал байрамимизни нишонлар эканмиз, ўзининг истеъдоди ва маҳоратини, кўз нури ва қалб қўрини бахш этиб, ёш авлодимизга билим, илму фан сирлари ва одамийлик сабоқларини ўргатадиган сиздек мўътабар зотларга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Шу боис бугун сизларнинг қўлингизда таълим ва тарбия, ҳаётга йўлланма олган, ўзини сизларнинг олдингизда умрбод қарздор деб ҳис этадиган барча инсонлар номидан, ўқув масканларида таълим олаётган миллионлаб ўқувчилар номидан «Раҳмат сизга, муаллим, таъзим сизга, устозлар!» деб миннатдорлик билдиришимиз ҳар томонлама ўринлидир.

Ўзбекистонимизнинг тараққиёти йўлида, биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтарилишдек улуғвор вазифани амалга оширишда сиз азизларнинг қўшаётган беқиёс ҳиссангизни баҳолаш учун яна бир фикрга алоҳида тўхталиш зарур, деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-ҳунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин.

Ана шундай ўта оғир ва ўта долзарб, истиқболимизни ҳал қиладиган мақсадга эришиш учун таълим соҳасида чуқур ва пухта ўйланган миллий дастурларимизни тайёрлаш ва амалга оширишда бизнинг охирги 15 йил давомида қилган ишларимизни бутун дунё тан олмоқда.

Бунинг яққол тасдиғини шу йил февраль ойида Тошкент шаҳрида «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция мисолида кўриш мумкин. Ана шу анжуманда БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, дунёдаги энг донғи чиққан университетларнинг олим ва профессорлари томонидан Ўзбекистоннинг бу соҳада эришган ютуқлари, мамлакатимизнинг таълим модели юксак эътироф этилгани Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътиборини янги босқичга кўтаришга катта хизмат қилди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ёшларимизнинг онгу тафаккурини, бутун ҳаётини тубдан ўзгартириб бораётган, илғор хорижий тажрибаларни, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган бундай дастурларни амалга ошириш аввало сиз азизларнинг оғир ва мураккаб меҳнатингиз эвазига бўлаётганини ҳеч ким ҳеч қачон инкор этолмайди. Ва сизларнинг бу эзгу мақсадга эришиш йўлидаги олижаноб хизматларингизни, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш борасида кўрсатаётган фидойилигингизни жамиятимиз, халқимиз доимо юксак қадрлайди.

Шу маънода, 1 октябрь санасини бундан 16 йил олдин мамлакатимизда Ўқитувчи ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами деб эълон қилганимиз сиз, азизларга, сизларнинг машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизга эл-юртимиз, шахсан ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимнинг яққол ифодаси, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ўзбекистоннинг таълим соҳасига қаратаётган улкан эътиборини тасаввур қилиш учун қуйидаги баъзи бир рақамларни келтириш ўринли, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджети харажатлар қисмининг 35 фоиздан зиёди таълим соҳасига йўналтирилмоқда. Кейинги ўн йилда ўқитувчи ва мураббийларнинг маоши иқтисодиётимизнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан ўртача 1,5 баробар кўп ўсгани, педагог ходимлар меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу ўринда яна бир мисолга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Ваҳоланки, дунёдаги кўплаб мамлакатларда бу кўрсаткич 2-5 фоиздан ошмайди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда 9763 та умумтаълим мактаби, 300 дан зиёд мусиқа ва санъат мактаби, 143 та академик лицей, 1406 та касб-ҳунар коллежи, 59 та олий ўқув юртида катта ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилгани, уларнинг моддий-техник ва ўқув-методик базаси мустаҳкамланиб бораётгани таълим тизимида биз амалга ошираётган ислоҳотларнинг миқёси ва кўлами нақадар улкан эканидан далолат беради.

Қадрли ватандошлар!

Бугун дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган нотинчлик, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизни ўйлантириши табиий.

Мен сиз, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларни бу муаммоларнинг барчасини қалбидан, юрагидан ўтказиб, улардан тўғри хулоса чиқариб яшайдиган инсонлар сифатида биламан.

Айрим қабиҳ кучлар томонидан ўзининг стратегик мақсадларини кўзлаб, ёвуз ният билан амалга оширилаётган бундай ғаразли ишлардан халқимизни, айниқса ёшларимизни огоҳ этиш, миллат ва элатларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга уринишларнинг ҳақиқий маъносини, уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини очиб беришда, одамларни ҳушёр ва сезгир бўлиб яшашга, мусаффо осмонимизни, тинч ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраш ва қадрлашга даъват этишда мен биринчи навбатда сизларга ишонаман ва бундан буён ҳам барчангизни ўзимнинг маслакдошим, деб биламан.

Мен давлат раҳбари сифатида сиз жонкуяр муаллим, мураббий ва домлаларнинг, барча маърифат аҳлининг ўз танлаган касбингиздан рози ва мамнун бўлиб яшашингиз учун, Ватан олдида, келажак олдида қилаётган улуғ хизматларингизни муносиб тақдирлаш, ҳаётимизда юксак обрў-эътибор топишингиз учун ҳам қонуний, ҳам моддий, ҳам амалий замин туғдириб беришни ўзимнинг нафақат вазифам, балки шарафли бурчим, деб ҳисоблайман.

Азиз ва мухтарам устозлар!

Сизларни Ўқитувчи ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрли устозлар!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГУРБАНГУЛИ БЕРДИМУҲАМЕДОВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 2012 ЙИЛ 1-2 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН АШХОБОД ШАҲРИДА БЎЛАДИ.**

Олий даражадаги учрашув чоғида Ўзбекистон билан Туркманистоннинг кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар бўйича фикр алмашиш режалаштирилмоқда.

Музокаралар якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилинади, шунингдек, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланади.

## ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

*Пойтахтимизда «Бунёдкор» спорт комплексининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлди*

**ДУНЁДА СПОРТ ТУРЛАРИ КЎП. ЛЕКИН УЛАР ОРАСИДА ФУТБОЛ ЎЗИНИНГ ЖОЗИБАСИ БИЛАН АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ. УМРИДА БИРОР МАРТА ФУТБОЛ ЎЙНАМАГАН ЁХУД УНИ ТОМОША ҚИЛМАГАН ОДАМНИ УЧРАТИШ МУШКУЛ. ФУТБОЛ МАМЛАКАТ ШОН-ШУҲРАТИНИ ДУНЁГА КЕНГ НАМОЁН ЭТУВЧИ КУЧЛИ ВА ТАЪСИРЧАН ВОСИТАЛАРДАНДИР.**





Тошкентда 2012 йил 28 сентябрь куни «Бунёдкор» спорт комплексининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Бугун биз ўзбек спорти ҳаётида, қолаверса, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдираётган катта воқеа — «Бунёдкор» деб ном олган янги, замонавий, гўзал ва бетакрор спорт мажмуасини ишга киритиш маросимига тўпландик, — деди Ислом Каримов. — Бу унутилмас воқеанинг аҳамияти ва моҳиятига рамзий маъно ва мазмун берадиган яна бир сана — айни шу кунларда кўпгина маълумотларга кўра ўзбек футболининг майдонга чиққанига роппа-роса 100 йил тўлиши, ҳеч шубҳасиз, барчамизга алоҳида руҳ ва хурсандчилик бағишлайди, бугунги маросимни ҳақиқий тантана даражасига кўтаради.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ушбу маросимда қатнашаётган сиз азизларга қаратиб қалбимдаги сўзларни айтмоқчиман.

Аввало, мана шу файзли ва шукуҳли оқшомда сизлар билан — қадрли ҳамюртларим, спорт ва футбол ишқибозлари билан бирга бугунги тантанада қатнашиш мен учун катта бахтдир.

Бундай улуғвор ва ҳашаматли, ўзида 7 та замонавий футбол майдонини, болалар ва ўсмирлар футбол мактаби, ётоқхоналар, бассейн ва бошқа бир қатор керакли объектларни мужассам этган, жами 56 гектар ерни эгаллаган бу мажмуа пойтахтимиз — азим Тошкентимизда қисқа даврда қад ростлагани, ҳақиқатан ҳам барчамизга мўъжизадай туюлади.

Дунёдаги энг замонавий спорт масканларидан кам жойи йўқ, йирик халқаро турнирларни юқори савияда ўтказишга мослашган бу буюк иншоотга боқиб, биз ким эдик, бугун ким бўлдик, мустақил бўлиб тараққиёт йўлида нималарга, қандай юксак марраларга эришдик, деган шукроналик ҳиссиёти беихтиёр қалбимизни тўлдиради, десам, адашмаган бўламан, деди Президентимиз.

(Давоми 2-бетда.)

**1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни**

## ФИДОЙИ КАСБ ЭГАЛАРИ БАЙРАМИ

*«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди*

**XXI АСР — ЮКСАК ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ, ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА МАЛАКАГА ЭГА, ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ ВА МУСТАҚИЛ ФИКРЛИ МУТАХАССИСЛАР АСРИ. БУНДАЙ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА УСТОЗ-МУРАББИЙЛАРНИНГ ХИЗМАТИ БЕҚИЁС. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ШАРАФЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ МЕҲНАТИНИ ЭЪЗОЗЛАШ, УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЮКСАК ЭЪТИБОР ЗАМИРИДА АНА ШУНДАЙ ЭЗГУ МАҚСАД МУЖАССАМ.**

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилаётган анжуманларда бу жиҳатлар яна бир карра ўз тасдиғини топмоқда.

Умумхалқ байрами арафасида Тошкент шаҳрига Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан энг илғор, фидойи, изланувчан ва ташаббускор муаллимлар таклиф этилди. Улар таълим сифати ва самарадорлигини оширишга бағишланган турли анжуманлар, илмий-педагогик семинарларда иштирок этиб, ўзаро фикр алмашмоқда.

28 сентябрь куни мамлакатимиз таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва жонкуяр мураббийлар пойтахтимиздаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишдилар.

(Давоми 2-бетда.)

# ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Ҳеч шубҳасиз, бундай гўзал, ҳар қандай юксак талабларга жавоб берадиган салобатли ва кўркам спорт мажмуасини барпо этганимиз биз учун энг устувор, энг олий мақсад бўлмиш болаларимизни, ёшларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлод этиб ўстириш, спортчиларимиз, футболчиларимизнинг жаҳон спорт майдонларида юксак марраларни эгаллашига, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг гарови сифатида хизмат қилажак.

Лўнда қилиб айтганда, бундай замонавий иншоотлар Ўзбекистоннинг куч-қудратини мустаҳкамлашда, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган шиорни амалга оширишда ишончли замин бўлажак.

Давлатимиз раҳбари бутун халқимизнинг дилидаги орзу-истакларни ифода этар экан,
мамлакатимизда бундай буюк иншоотлар кўпайишини, юртимиз кўркига кўрк қўшишини, улар халқимизга хизмат қилишини, спортчиларимизга янада юксак ғалабалар ёр бўлишини, бундан спорт мухлислари қалбида фахр-ифтихор туйғулари жўш уришини тилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янграйди.

Йирик экранда мустақил Ўзбекистоннинг улкан ютуқлари, бунёд этилган ноёб иншоотлар, амалга оширилган ислоҳотлар натижалари, тобора чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, Ватанимиз тараққиёти йўлида самарали меҳнат қилаётган фидойи юртдошларимизнинг ҳаёти, мамлакатимиз ёшларининг турли соҳаларда эришаётган зафарлари, юртимизда спортни оммалаштириш борасида олиб борилаётган ишларни акс эттирувчи видеотасвирлар намойиш этилди.

Майдонга «Бунёдкор» ва «Пахтакор» футбол жамоалари чиқиб келади.

Мамлакатимизнинг икки етакчи клуби ўртасидаги ўртоқлик учрашуви 3:3 ҳисобида дуранг билан якунланди.









Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг футболни ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги ўзининг юксак самараларини бермоқда. ФИФА рефериси Равшан Эрматовнинг жаҳон футболидаги юксак мавқеи, ногирон-ампутант футболчиларимиз икки маротаба жаҳон чемпионлигига сазовор бўлгани, ёш футболчиларимизнинг Мексикада ўтган жаҳон чемпионатидаги муваффақиятли иштироки, «Бунёдкор», «Пахтакор», «Нефтчи», «Насаф» каби клубларимизнинг Осиё чемпионлар лигаси ва Осиё футбол конфедерацияси кубоги беллашувларидаги қизиқарли ўйинлари бунинг далилидир.

Президентимизнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тузилган Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканларини бунёд этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011-2013 йилларда мамлакатимизда футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга доир қарорига мувофиқ янги стадионлар барпо этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинмоқда, болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида Тошкентда қуриб битказилган «Бунёдкор» спорт комплекси мазкур йўналишда изчил давом этаётган ишларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир. Ушбу муҳташам мажмуа барча футбол мухлисларига, бутун халқимизга муносиб совға бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва таклифлари асосида барпо этилган «Бунёдкор» спорт мажмуаси ўзининг ноёб меъморий ва муҳандислик ечими, бетакрор дизайни билан пойтахтимиз кўркига кўрк қўшди. Энг замонавий талаблар асосида барпо этилган ушбу мажмуада футболчилар, мураббийлар, ҳакамлар, мухлислар учун барча шароитлар ва қулайликлар яратилган.

— Президентимиз ташаббуси асосида бунёд этилаётган бундай замонавий спорт иншоотлари ўзбек футболини жаҳон талаблари даражасида тараққий эттириш йўлидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлади, — дейди Республика Олимпия захиралари коллежи директори Мурод Алиев.

Майдонга «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада мусобақаларини акс эттирувчи бадиий ва спорт жамоалари чиқадилар. Улар ижросида Ўзбекистонда спортни ривожлантириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимиз ўртасида спортни, шу жумладан, футболни оммалаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни ифода этувчи бадиий композициялар намойиш этилди.

Ўзбекистон — иқтидорларга бой юрт. Шу жумладан, футбол бўйича ҳам. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, айни пайтда қатор мамлакатлар томонидан ноёб тажриба сифатида ўрганилаётган болалар спортини ривожлантириш тизимида болалар ва ўсмирлар футболини тараққий эттириш устувор вазифалардан этиб белгиланган. Зеро, болалар футболини равнақ топтирмасдан юқори савиядаги катталар футболига эришиб бўлмайди. Мамлакатимиздаги кўплаб болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари ва академиялари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, олимпия захиралари коллежларида маҳоратли футболчилар авлоди тайёрланмоқда.

Ўзбекистон футболни ривожлантириш бўйича Осиёдаги етакчи мамлакатлардан биридир. Миллий футболимизда Халқаро футбол уюшмалари федерацияси (ФИФА) ва Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) талаблари асосида профессионал кадрларни тайёрлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Болалар бадиий жамоалари, акробатлар, гимнастикачилар, хореография ва спорт жамоалари, эстрада хонандаларининг ранг-баранг чиқишлари байрам тантанасига ўзгача шукуҳ бағишлади.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# ФИДОЙИ КАСБ ЭГАЛАРИ БАЙРАМИ





Шу куни «Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Байрам тадбирига сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, таълим соҳаси фахрийлари, илғор ўқитувчи ва мураббийлар, тарбиячилар, маънавият тарғиботчилари, маҳалла фаоллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимизнинг 2012 йил 27 сентябрдаги фармонига мувофиқ, Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Ватанимизнинг тараққиёт йўлидан дадил одимлаши, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, мамлакатимиз иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий салоҳияти юксалиб боришининг муҳим воситаларидан бири бўлган таълим соҳаси изчил ривожлантирилмоқда.

Бу жараёнда ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, самарали меҳнат қилиши, ишга ижодий ёндашиши, изланиши учун барча шароит ва имкониятларни яратишга оид кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёшларга пухта билим бериш, уларни миллий анъана ва қадриятларимизга содиқлик руҳида камолга етказиш, қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунарга йўналтиришга оид эзгу саъй-ҳаракатлар хорижий мамлакатларда ҳам ибрат олишга арзигулик модель сифатида юксак баҳоланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тизимдаги ишларни давр талабига мос тарзда йўлга қўйиш, истеъдодли, фидойи педагогларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ўқитувчилар масъулиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Бундай рағбат ва эътибор юртимиздаги 10 мингга яқин мактабда меҳнат қилаётган 416 мингдан зиёд ўқитувчилар фаолиятида ўз аксини топмоқда. Жумладан, халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдори бир неча баробар ошди. Бошланғич синфлар ўқитувчиларига ойлик устамалар, синф раҳбарлиги, ўқув кабинетлари ва лабораториялар мудирлиги учун қўшимча ҳақлар белгиланди. Давлат таълим стандартларига мувофиқ, ўқитувчилар учун педагогик юкламалар мақбуллаштирилди. Бу педагог кадрларнинг малака ва маҳоратини янада юксалтириш, ёшлар таълим-тарбиясидаги масъулиятини ошириш, таълим масканларини ўқитувчи кадрлар билан тўлиқ таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Доимий ғамхўрлик, улкан рағбат, чексиз меҳр ва эътибор ўқитувчиларни ўз устида ишлаши ва изланишида, таълим жараёнига илғор педагогик ва инновацион технологияларни жорий этишида муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилаётган «Устоз-шогирд мактаби», «Дарс — муқаддас!», «Ўрган — ўргат!» маърифий лойиҳалари илғор педагогларнинг малака ва маҳоратини янада юксалтириш, намунали иш тажрибасини оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг юксак самаралари жаҳоннинг кўпгина давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан кенг эътироф этилмоқда. Франциянинг «Insead» халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан «2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси» маърузасига асосланиб тайёрланган қиёсий ахборотда Ўзбекистон таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллагани бунинг ёрқин далилидир.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ барча мактабгача таълим масканлари, мактаблар, касб-ҳунар коллежларида турли ташкилот ва идоралар, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирокида Васийлик кенгашларининг фаолият бошлагани ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилашда, фанларни ўзлаштиришда янги имкониятларни очмоқда. Айни пайтда оила, маҳалла, таълим маскани ўртасидаги ҳамкорликнинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани ёшларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, касб-ҳунарга йўналтириш, миллий ҳаёт тарзимизга ёт ғоялар, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан ишончли ҳимоялаш, билим олишга бўлган иштиёқи ва қизиқишини тобора оширишга хизмат қилмоқда.

— Ўқитувчи ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши зиёлиларимизга, жонкуяр муаллимлар, устоз ва педагогларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори Эгамберган Каримов. — Давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган бундай эътибор ёшларга ҳар томонлама пухта билим бериш, маънавиятини юксалтириш, турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган бугунги замонда ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, иймон-эътиқоди мустаҳкам авлодни тарбиялашда бизга катта мадад ва куч-қувват бағишлайди.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққан Наманган шаҳридаги 25-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Муқаддам Иззатуллева, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Танзила Норбоева таълим фидойилари меҳнатини ардоқлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Саъдулла Ҳакимов навқирон авлод камолоти, ўқитувчиларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликни улуғловчи шеърларини ўқиб берди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши мактаб директори» республика кўрик-танловлари ғолибларига дипломлар топширилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

# ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА

## *хотин-қизларнинг ўрни ва ролини ошириш муҳим масала*




**ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ «ЧАРХ КАМОЛОН — 2» МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИДА «ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.**

**ТАДБИРДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ПАРТИЯМИЗ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ, ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ, «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ ЕТАКЧИЛАРИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИ ВА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ ФАОЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

***Маргарита АҲМЕДБЕКОВА, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари:***

— Бугун жамиятнинг ҳар бир соҳасида хотин-қизлар фаоллиги яққол сезилаяпти. Хусусан, сиёсий жараёнларда уларнинг иштироки тобора кенгайиб бораётганини жорий йилнинг 6 ойи давомида Тошкент шаҳри бўйича 728 нафар хотин-қиз партиямиз сафига қўшилганидан ҳам кўриш мумкин. Туманларда ташкил этилган 200 дан ортиқ ижтимоий-сиёсий тадбирларда «Фаол аёллар» қанотининг ўн бир минг нафардан ортиқ аъзоси иштирок этгани, Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларнинг аксарияти хотин-қизлар томонидан экани ҳам уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошаётганини кўрсатади.

***Назира МАТЯКУБОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Юртимизда давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни ва ролини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани кўпчиликка яхши маълум. Буни дунё жамоатчилиги ҳам эътироф этаяпти. Буларнинг барчаси мустақиллик берган имкониятлар натижасидир.

Мустақиллик йилларида имзоланган 200 дан ортиқ конвенция ва битимларнинг аксарияти хотин-қизлар, болалар, ёшлар манфаатига қаратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш, хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шунингдек, бир хил қийматдаги меҳнат учун эркаклар ва аёлларни тенг рағбатлантириш, бола ҳуқуқлари билан боғлиқ конвенциялар шулар жумласидандир.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштироки улар билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш имконини кенгайтиради. Чунки хотин-қизлар бу борада ҳаётий таклифларни илгари суради. Шу боис партиямиз тизимида хотин-қизлар фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар таъсирчанлиги ва изчиллигига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

***Адиба АҲМАДЖОНОВА, «Фаол аёллар» қаноти Чилонзор туман бўлими етакчиси:***



Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

— Партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, туманда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, касаначилик фаолиятига жалб қилиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, ўтган йили касаначиликни ривожлантириш орқали туманимизда 201 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди, жорий йилда бу кўрсаткич 242 нафарни ташкил этиши кўзда тутилган. Мазкур иш ўринлари тўлиқ ташкил этилиши ва барқарор бўлиши учун давлат ва жамоат ташкилотлари, айниқса, маҳаллалар билан ҳамкорликни тизимли йўлга қўйдик.

Семинарда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида навбатдаги вазифалар белгиланди. Шунингдек, 2011-2014 йилларга мўлжалланган ЎзХДП Ҳаракат дастурининг жорий йил учун режалаштирилган вазифалари ижросини таъминлаш, хусусан, 3-чоракда шаҳар ва туманларда аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қисмига, жумладан, хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни юқори савияда ўтказишга келишиб олинди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Сайловчилар билан юзма-юз

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ НАВБАҲОР ТУМАН КЕНГАШИГА ЎзХДПДАН 8 НАФАР ДЕПУТАТ САЙЛАНГАН. УЛАР ҲУДУДНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ТАЪМИНЛАШ ИШЛАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА. МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИДА ТУРЛИ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ ЖАРАЁНИДА УЛАР ЎЗ ФИКРЛАРИ, ТАКЛИФЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРИШИ ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН ТУРЛИ МАСАЛАЛАР ЕЧИМ ТОПИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЯПТИ.**

# ДЕПУТАТ ҲИСОБОТ БЕРДИ

Бирор масалани ўртага ташлашдан олдин, аввало жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш, сайловчиларнинг ўй-ташвишлари билан ҳамнафас бўлиш талаб этилади. Шу сабабли халқ депутатлари туман Кенгашига 2-Ҳашман округидан сайланган депутат, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Бурхон Носиров сайловчилар билан тез-тез учрашиб, улар билан мулоқот қилади.

Яқинда бўлиб ўтган учрашувда у дастлаб жорий йилнинг ўтган даври мобайнида депутат сифатида амалга оширган ишлари тўғрисида гапириб берди. Маълумотга кўра, депутат электорат мурожаатлари асосида тумандаги турли корхона ва ташкилотлар раҳбарларига 20 га яқин депутатлик сўрови юборган. Натижада ҳудудни ривожлантириш билан боғлиқ ва бошқа айрим ижтимоий масалалар ўз ечимини топган. Хусусан, мутасадди ташкилотлар ёрдами билан «Ҳашман», «Янги обод» ва «Вомитан» маҳаллаларида ичимлик сув таъминоти янада яхшиланган.

Маълумки, муайян муаммо ҳал этилиши фақат депутатга боғлиқ эмас. Бунда мутасадди ташкилотларнинг ёрдами зарур, албатта. Бироқ айрим маҳаллий мутасаддилар депутатлик сўровига асосли тушунтириш билан жавоб қайтариш масаласига бефарқ қарамоқда. Хусусан, депутат Бурхон Носировнинг туман омухта ем таъминоти бўлими ҳамда туман электр тармоқлари идораси раҳбарларига юборган депутатлик сўровларига ўз вақтида жавоб берилмаган. Ваҳоланки, қонунда депутатлик сўровига ўн кундан кечикмай жавоб берилиши белгилаб қўйилган.

— Бурхон Носиров янги қабул қилинган қонунлар, муҳим қарор ва фармонлар аҳамияти ва мазмун-моҳиятини тарғиб этиш билан бирга, уларнинг ижросини ҳам таъминлашга эътибор қаратмоқда, — дейди **ЎзХДП туман кенгаши раиси Умрзоқ Хўжаев.** — У аҳоли мурожаатларига алоҳида эътибор билан ёндашади. Уларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиб, муаммоларига ечим топишга ҳаракат қилади, ҳуқуқий маслаҳатлар бериб, йўл-йўриқ кўрсатади. Бу эса депутат ва сайловчи ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти.

**Илҳом САТТОРОВ**

Эътироф

# «Мегаполис»: ОҚИЛОНА СИЁСАТНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

**ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА 2012 ЙИЛ 12-14 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТГАН «ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЧЕТ ЭЛЛИК ИШТИРОКЧИЛАРИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА.**

**Қуйида Инвестициялар рентабеллигини тадқиқ қилиш агентлигининг (АИРИ) Олмаота филиали директори Нурлан Маҳмудовнинг «Мегаполис» газетасида (Қозоғистон) чоп этилган мақоласида баён этилган айрим фикрлари эълон қилинмоқда:**

«Қозоғистонда Ўзбекистон ҳақида қандай ғаройиб фикр-мулоҳазаларни эшитишга тўғри келмайди, дейсиз!? Қўшни халқ, бунинг устига, қондош ва қардош бўлган ўзбеклар ҳақида аслида ҳеч нарса билмаслигимизни ниҳоятда ғалати ҳолат, деб ҳисоблайман.

Қадимий халқ мақолида, юз марта эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал, деб бежиз айтилмаган. Ўтган ҳафта Қозоғистон делегацияси таркибида Тошкентда бўлиб ўтган, дунёнинг 50 мамлакатидан 300 нафардан зиёд меҳмонлар ташриф буюрган халқаро конференцияда иштирок этишга муяссар бўлдим. Асосий маъруза билан давлат раҳбари Ислом Каримовнинг ўзи чиқиш қилгани ҳам ҳукумат миқёсидаги ушбу тадбирнинг юксак мақомидан далолат беради. Бир қарашда 1000 дан зиёд иштирокчи анжуманда ҳаммага яхши маълум бўлган мавзуни: «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» масалаларини муҳокама қилди.

Бугунги кунда ҳатто расмий ахборотлардан йироқ бўлган оддий фуқароларни ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мавзуига бағишланган анжуманлар билан ҳайратга сололмайсиз. Мана бу далилларга эътибор беринг: сўнгги 6 йил давомида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 8,2 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда (бошқа қўшнимиз — Хитой бу борада 10 фоизлик ўсишга эришаётгани туфайли балки буни «сезмагандирмиз»). Фикримизни давом эттирайлик. 2000 йилга нисбатан Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 2,9 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,6 баробар ортди, иқтисодиётга эса 3,4 баробардан зиёд инвестициялар жалб этилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми эса 20 баробардан кўпроқ ўсди! Ўйлайманки, 2007-2009 йилларда дунёда глобал молиявий-иқтисодий инқироз рўй берганини ёдингизда бўлса керак, бу синовдан Ўзбекистон иқтисодиёти мардона ўтди.

Натижада Осиё тараққиёт банки маълумотларига кўра, сўнгги 7 йил давомида Ўзбекистонда аҳоли жон бошига даромад қарийб 3 баробар ортди! Ҳар йили тўлов баланси жорий ҳисоб рақамининг профицити қайд қилинмоқда, умумий ташқи қарз миқдори паст бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи даражасида, давлатнинг ички қарздорлиги эса амалда ноль даражада сақланмоқда.

— Хўш, кичик бизнеснинг бунга нима алоқаси бор? — деб сўраши мумкин баъзилар. Жавоб бераман: «20 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди, бугун эса мавжуд барча хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этади». Ҳар эҳтимолга қарши бу рақамлар Президент Ислом Каримовнинг маърузасидан олинганини айтиб ўтмоқчиман. Тасаввур қилинг: «Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда».

Мени ҳайратга солган бошқа рақамлар ҳам кўп. Шулардан иккитасини ажратиб кўрсатишга ижозат берсангиз: 2005-2011 йилларда мамлакатда 5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Ушбу кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида мамлакатда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи меҳнат қилмоқда. Ушбу гўзал манзарани тасаввур қилинг! Яъни, Ўзбекистонда биз ўзимизникиларга нисбатан уятчанлик билан илмий қилиб, «ўзини ўзи банд қилувчилар», деб атайдиган кишиларнинг ўзи йўқ: ҳатто якка тартибда иш юритувчи оддий ҳунарманд ҳам ҳисобга олинган ва тегишли имтиёзлар, кредитлар билан таъминланган, унга ҳақиқий товарлар ишлаб чиқариши ёки хизматлар кўрсатиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Анжуман қатнашчиларини муҳташам Симпозиумлар саройида йиғишдан аввал чет эллик меҳмонлар учун Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳат ташкил қилинди, у ерда тадбиркорларни тайёрлаш, ўқитиш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича иш олиб бораётган турли тузилмалар фаолияти билан танишдик.

Бу борадаги салмоқли натижаларга, табиийки, бир-икки йилда эмас, балки қарийб сўнгги йигирма йил давомида эришилган. Давлат томонидан амалга оширилган барча чора-тадбирларни санаш билан вақтингизни олмайман. Аммо зарур қонунларнинг қабул қилинганини, тадбиркорликни ривожлантириш учун барча чоралар кўрилганини, шу тариқа одамлар тадбиркорликка кенг жалб этилганини айтиш билан бу борадаги ишлар кўламини ифодалаб бўлмайди. Ўзбекистонда бизнесни рўйхатга олишга оид тартиб-таомилларни қисқартириш билан чекланиб қолмасдан, «тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонунчилик даражасида жорий этилган»и расман эълон қилинган. Хусусий тадбиркорларни турли йўналишлар бўйича имтиёзли тарзда кредит билан таъминлаш бўйича турли банклар ва жамғармалар ташкил қилинди, айни пайтда давлат ёрдамчи муҳандислик тармоқлари, логистика каби инфратузилма объектларини барпо этишга сарфланадиган харажатларни ўз зиммасига олди.

> **...Ўзбекистоннинг юқорида санаб ўтилган ютуқлари ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу мамлакат янада юксак натижаларга эришишга қодир. Бунинг учун қуйидаги асослар бор.**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолиси ҳар икки йилда бир миллион кишига кўпайган. Ҳозирги пайтда 30 миллионлик мамлакат аҳолисининг 64 фоизи — учдан икки қисмини ёшлар ташкил этади! Ушбу самарали меҳнат қилишга лаёқатли куч касб-ҳунарларга пухта ўргатилган: Ўзбекистонда 15 йилдан буён мажбурий 12 йиллик таълим тизими амал қилмоқда. Яъни, 9-синфдан сўнг йигит-қизлар 3 йил давомида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълим олади, у ерда 3-4 та ҳунар эгаллайди ва камида иккита чет тилини ўрганади. Шу ўринда маҳаллий ёшлар олижаноб халқ анъаналари руҳида тарбиялангани жуда муҳим аҳамиятга эга эканини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу ерда, миллий иқтисодиётда оддий дурадгорлар, тикувчилар, фермерлар, қурувчилар етишмаётган бир пайтда, мактаб битирувчилари ёппасига диплом орқасидан қувиб, институтларга ёпирилмайди...

Мамлакатда барпо этилган бир ярим мингта янги замонавий касб-ҳунар коллежларида сўнгги 5 йил давомида 2,5 миллион йигит-қиз янги ҳунарларни ўзлаштирди — бундай «армия» ҳар қандай давлатнинг ялпи ички маҳсулотини кескин оширишга қодир. Фақат бу кучдан тўғри фойдаланиш йўлга қўйилса, бас. Ўзбекистон раҳбарияти бундай ресурсдан унумли ва оқилона фойдаланишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Газетхонлар эътиборини яна бир жиҳатга қаратишни истардим. Ўзбекистонда ҳам нефть ва газнинг катта захиралари мавжуд. Авваллари бу маҳсулотларнинг эҳтиёждан ортиғи фақат Россияга сотилар эди, икки йил аввал бизнинг мамлакатимиз орқали Хитойга қувур ўтказилди. Шунга қарамай, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг асосий қисмини нефть соҳаси, оғир саноат ёки машинасозлик тармоқлари эмас, балки... турли ўзгаришларга мослашувчан, барқарор ва яшовчан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари яратмоқда».

Электорат орасида

**ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИДА «ЮРТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ АҲОЛИ ЎРТАСИДА ТАРҒИБ ҚИЛИШДА ЎзХДП ТАРҒИБОТЧИЛАР ГУРУҲИНИНГ ЎРНИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

# ТАРҒИБОТЧИЛАР ГУРУҲИ

## *партия ғоя ва мақсадларини электорат вакилларига етказувчи муҳим восита*

Унда тарғиботчилар гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашларидаги партиямиз депутатлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда ўтган вақт ичида эришилган ютуқлар ва қўлга киритилган имкониятларни партиямиз электорати орасида кенг тарғиб қилиш, демократик янгиланишлар мазмун-моҳиятини, ЎзХДП илгари сураётган ғояларнинг афзалликларини тушунтириш, кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишда тарғиботчилар гуруҳи муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

— Бугунги кунда тарғиботчилар гуруҳлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида бир қатор чоралар ишлаб чиқилди, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Акмал Турсунбоев.** — Яқинда маҳаллий партия ташкилотлари ҳузуридаги тарғиботчилар гуруҳлари таркиби кўриб чиқилиб, уларга халқ орасида обрў-эътиборга эга олим, журналист, ўқитувчи, шифокор ҳамда бошқа касб эгалари жалб қилинди.

Бундан ташқари, тарғиботчилар фаолиятини замон талабларига мос равишда олиб бориш, янги сиёсий-технологиялардан фойдаланиш, жаҳон тажрибасини ўрганиш борасида ҳам амалий семинар-тренинглар ташкил этаяпмиз. Мазкур гуруҳлар ишини янада такомиллаштириш мақсадида партия кенгашлари қошида «Тарғиботчилар мактаби»ни ташкил этиш режалаштирилган.

— Ҳозир партиямизнинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида 200 нафардан ортиқ фаол тарғиботчилар жамланган, — дейди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши масъул ходими Фарида Қўлдошева.** — Улар партиямиз тизимида ташкил этилаётган барча тадбирларда иштирок этишади. Шунингдек, тарғиботчилар гуруҳлари томонидан ўтказилаётган давра суҳбати ва семинарларда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, уларни глобаллашув жараёнидаги ғоявий ва ахборот хуружларидан ҳимоялаш, «оммавий маданият»нинг салбий оқибатларидан огоҳ этиш билан боғлиқ мавзуларга урғу берилмоқда.

— ЎзХДП ғояларига хайрихоҳлигим боис унга аъзо бўлиб, тарғиботчилар гуруҳида фаолият кўрсатаяпман, — дейди **Саида Маликова.** — Партиямиз томонидан ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, жисмоний имконияти чекланган кишиларга муносиб турмуш шароитлари яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича маълумот бераяпмиз.

Тадбир сўнгида тарғиботчилар гуруҳи фаолиятини такомиллаштириш, партия дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида тарғиб қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш борасида таклифлар ўртага ташланди.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Эълон

# Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузурида ташкил этилган иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлаш бўйича танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги 1438- ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги 1474-сон қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:
Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Батафсил маълумот учун:
**Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй.**
**Ўзбекистон Банклари уюшмаси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

*1-илова*

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун**

## БУЮРТМАНОМА

1.______________________________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

2.______________________________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
______________________________________________
______________________________________________

3.______________________________________________
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4.
Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.
Ташкилот раҳбари

______________________ / ______________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

*2- илова*

Инвестиция таклифининг

## НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;

2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.

3. Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар потенциали.

4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:

4.1. Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.

4.2. Ишлаб чиқариш:
лойиҳанинг хомашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўладиган ходимлар сони.

4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.

4.4. Молиялаштириш:
лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.

5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

*3- илова*

Инвестиция таклифининг

## ПАСПОРТИ

______________________________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)

| № п/п | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

Реклама ва эълонлар

# ГАЖК «УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»

Объявляет тендер на закупку специальной путевой техники по проекту «Приобретение оборудования и технологий для подразделений компании» на 2012 год.

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: **г.Ташкент, ул. Т.Шевченко 7, ГАЖК «Узбекистон темир йуллари», Управление «Темирйулёнилгитаъмин», комната 410.**
***Тел:*** 237-94-72, 237-96-33, ***факс:*** 238-84-43,
***E-mail:*** israilov55@mail.ru

Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.



***Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!***

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

*қуйидаги объектларнинг қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан қайта очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:*

***Лот 1-1.***
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 5-кичик даҳасида жойлашган 15-уйнинг том қисмини мукаммал таъмирлаш.
***Объектнинг бошланғич нархи:***
қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 210,740 млн. сўм,
қўшилган қиймат солиғисиз — 175,616 млн. сўм.
***Қурилиш муддати*** — 20 кун.

***Лот 1-2.***
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 5-кичик даҳасида жойлашган 17-уйнинг том қисмини мукаммал таъмирлаш.
***Объектнинг бошланғич нархи:***
қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 210,740 млн. сўм,
қўшилган қиймат солиғисиз — 175,616 млн. сўм.
***Қурилиш муддати*** — 20 кун.

***Лот 1-3.***
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Беруний кўчасида жойлашган 4-а уйнинг том қисмини мукаммал таъмирлаш.
***Объектнинг бошланғич нархи:***
қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 119,220 млн. сўм,
қўшилган қиймат солиғисиз — 99,350 млн. сўм,
***Қурилиш муддати*** — 15 кун.

***Лот 1-4.***
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Атарбаева кўчасида жойлашган 28-уйнинг том қисмини мукаммал таъмирлаш.
***Объектнинг бошланғич нархи:***
қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 121,018 млн. сўм,
қўшилган қиймат солиғисиз — 100,848 млн. сўм.
***Қурилиш муддати*** — 20 кун.

**Буюртмачи:** *Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.*
**Манзили:** *Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.*
**Тел.:** *(8-376) 222-49-71, 222-49-80,* **факс:** *222-49-85.*

***Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш*** — вилоятнинг маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:*** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

***Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади:*** танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Даврархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уй.**
**Телефон: (8-376) 222-44-73, факс: 222-44-76.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.***

Таклиф (оферта)лар савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офферталар очилиши куни ва соати.

Таклиф (оферта)лар очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда **Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уй**да ўтказилади.

# «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

## МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

*2012 йил 30 октябрь куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади*

**Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уйда жойлашган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи балансидаги 1995 й. и/ч, д/р 10 АТ 502, бошланғич нархи 4 194 791,34 сўм бўлган «ПАЗ-320510»; 1999 й. и/ч, д/р 01 056 ВСА, бошланғич нархи 6 299 500,92 сўм бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.**

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

***Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб-рақамига тўланади.***

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камни ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:
— аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;
— закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
— ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари хақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй.** Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин.

**Алоқа телефони:** ***(+998 93) 399-81-19,***
**электрон почта:** ***tkos-mail@inbox.ru***

«O'zbekinvest Hayot» суғурта компанияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги суғурта назорати давлат инспекцияси бошлиғи Олимжон Икромовга онаси

**МАҲБУБА ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Миллий матбуот марказида**

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ — БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ» МАВЗУИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗДИ. ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ Т.ШИРИНОВ ВА БОШҚА МАСЪУЛ ХОДИМЛАР МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СОҲАДА ЭРИШИЛГАН БЕҚИЁС ЮТУҚЛАР ҲАҚИДА ТЎХТАЛДИ.

# ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ

## *бунёдкорлик ва яратувчанликнинг ҳаракатлантирувчи кучидир*

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, таълим тизимининг асосий ва ҳаракатлантирувчи бўғини мактаб ҳисобланади. Юртимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари ҳам янгиланган мактабларимиз тимсолида яққол кўринади. 1991 йилгача юртимизда 8500 дан зиёдроқ мактаб бўлиб, уларнинг 40 фоизига яқини мослаштирилган биноларда жойлашган эди. Ҳозирги кундаги мавжуд 9763 та мактаб бинолари Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида қайта қурилди, реконструкция қилинди, тубдан таъмирланди.

Шу ўринда рақамларга мурожаат этсак. Мустақиллик йилларида 1559 та мактаб биноси янгидан қурилди, 8204 та мактаб таъмирланди. Улардан 6888 таси қишлоқ ҳудудларида жойлашгани, олис тоғ ва чўл ҳудудларидаги мактаблар сони 287 тани ташкил этиши таълим ислоҳотлари бутун республика бўйлаб тизимли равишда ва изчил олиб борилаётганидан дарак беради. Зиё масканларининг 81,2 фоизида физика, 78,2 фоизида кимё, 78,6 фоизида биология лаборатория хоналари мавжуд. Сўнгги русумдаги компьютерлар билан таъминланган мактаблар сони 62 фоизга етди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. 2012-2013 ўқув йили учун мактабларга мўлжалланган 182 номдаги 11240943 нусха дарслик ва 16 номдаги 105429 нусха ўқув-методик қўлланма чоп этилган. Ҳозирги кунда халқ таълими тизимида 416 минг нафардан зиёд ўқитувчи ишлайди. Уларнинг меҳнати ҳар томонлама рағбатлантирилиб борилмоқда. Ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи 2004 йил 1 январдагига нисбатан 11,1 марта ошган, 2012 йил 1 август ҳолатига кўра, ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи 706 минг сўмдан зиёдни ташкил этган. Шу ўринда, ўқитувчи ва мураббийларнинг 3547 нафари давлат мукофотларига, 6 нафари «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонига муносиб кўрилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Халқ таълими вазирлиги томонидан «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши мактаб директори» каби кўрик-танловлар, соҳада мониторинглар ўтказиб келинаётгани таълим сифатини оширишга хизмат қилаяпти.

Бу шарт-шароит ва кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик натижасида ўқувчилар фан олимпиадалари, ижодий кўрик-танловларда юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда. 50 нафардан зиёд иқтидорли ўқувчи Франция, Германия, Италия сингари давлатларда ташкил этилган халқаро мусиқа фестивалларида ғолиблар қаторидан ўрин олди. Халқаро спорт мусобақаларида спортчи-ўқувчилар 117 та медални қўлга киритди.

Юртимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари — Ўзбек таълим модели шу йил пойтахтимизда ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференция қатнашчилари томонидан ҳам эътироф қилинди. Бу конференцияга 48 давлат, 8 та халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан мутахассислар келишганди. Яқинда Франциянинг нуфузли «Insead» халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан тайёрланган қиёсий ахборотда Ўзбекистон таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича иккинчи ўринни эгаллагани қайд этилди.

Дарҳақиқат, кенг кўламли таълим ислоҳоти юртимизни офтоб сингари уйғотмоқда, йўлларимизни мунаввар қилиб, барча бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларимизга куч бағишламоқда.

Матбуот анжуманида таълим ислоҳотларининг ютуқлари билан бирга ечимини кутаётган масалалари тўғрисида ҳам фикр юритилди, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**Асрор МЎМИН**

**1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни**

КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИ, БИЛИМ ВА ТАФАККУРИНИ БОЙИТИШ, УЛАР ҚАЛБИДА ОНА ВАТАНГА МУҲАББАТ, ЮРТГА САДОҚАТ ТУЙҒУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МЕҲРИБОН УСТОЗЛАР, ФИДОЙИ МУРАББИЙЛАР, ҒАМХЎР ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ХИЗМАТИ БЕҚИЁС АЛБАТТА.

# ЭЪЗОЗГА МУНОСИБ КАСБ ЭГАЛАРИ




Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод камоли йўлида ғоят муҳим ўрин тутувчи ушбу соҳа ходимлари меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига юксак эътибор қаратилмоқда.

— Фарзандлар тарбияси ва ўқитувчи меҳнатини эъзозлаш ишига бизнинг мамлакатдаги каби эътибор қаратаётган юрт бўлмаса керак, — дейди **пойтахтимиздаги 324-мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Насиба Алимова.** — Бунга жавобан астойидил меҳнат қилиш, Ватанга фидойи, билимдон, етук фарзандларни тарбиялаш бизнинг, аввало, юртимиз ва халқимиз олдидаги муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Насиба Алимова Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини тугатиб, ўқитувчиликни бошлаганига ҳам мана 20 йилга яқинлашиб қолди. Ўтган йиллар давомида у қанча-дан-қанча ўқувчига таълим-тарбия берди, «Она», «она Ватан» каби муқаддас сўзларни ёзишни ва ўқишни ўргатди.

Ёш авлодга юртни, туғилган тупроқни танитган касб эгалари ҳар доим, ҳар дақиқа юксак эъзоз ва ҳурматга муносиб.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

**Истиқлол имкониятлари**

# ОБОД ЮРТНИНГ РАВОН ЙЎЛЛАРИ

МАЪЛУМКИ, МАҒРИБУ-МАШРИҚНИ БИР-БИРИГА БОҒЛОВЧИ «ПАРИЖ — ПЕКИН» ЙЎНАЛИШИНИНГ «БЕЙНОВ — ҚЎНҒИРОТ — НУКУС — ҒУЗОР» УЧАСТКАСИДАГИ 113 КИЛОМЕТРЛИК ЙЎЛ ХОРАЗМ ҲУДУДИ БЎЙЛАБ БАРПО ЭТИЛАЯПТИ.







Оллаберган РАЖАБОВ олган суратлар.

Халқаро аҳамиятга эга мазкур автомагистрал йўлга асфальт қоришмаси ўрнига ғоятда мустаҳкам юқори маркали 40 сантиметр қалинликдаги бетон қотишмаси ётқизилаяпти. Қизилқум саҳроси узра бунёд этилаётган мазкур йўл автотранспорт воситаларининг 4 қаторли қатновига мўлжалланган. Унинг биринчи навбатини шу йил охиригача барпо этиш кўзда тутилмоқда.

— Ҳайдовчиликни ўтган асрнинг 50-йилларида бошлаганман, — дейди **питнаклик меҳнат фахрийси Отахон Саидов.** — Ўшанда вилоят марказигача бўлган 80 километрлик масофани қарийб 7 соатда босиб ўтганман. Ҳозирда бу масофани босиб ўтиш учун бир соатга яқин вақт сарфланади.

«Хоразмавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти жорий йилда жами 5,4 миллиард сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини ниҳоясига етказди. Шунингдек, қишлоқ ҳудудларида 4,2 миллиард сўмлик йўл қурилиш ишлари амалга оширилди.

— Ҳозирда вилоятимиздаги идора ва ташкилотлар билан 31,1 миллиард сўмдан ортиқ пудрат ишлари имзоланиб, айни кунларда яна 10 миллиард сўм миқдорида қўшимча шартномалар тузилмоқда, — дейди **вилоят «Автойўл» ҳудудий ташкилоти раҳбари Мансур Раззоқов.** — Яқин йилларда вилоят ҳудудида мавжуд 7219 километрдан зиёд автомобиль, шу жумладан, умум фойдаланувдаги 2210, Урганч шаҳри ва туман марказларидаги 773, сув хўжалиги ташкилотларига қарашли 767 километрлик йўлнинг асосий қисми мукаммал ва жорий таъмирланади ёки қайта тикланади. Яқинда эса бир йўла 4 қаторли транспорт ҳаракатига мўлжалланган бетон қопламали «Мискин — Тупроққалъа» магистрал автомобиль йўли, Амударёда барпо этилган янги кўприк атрофидаги бир неча ўн километрлик автотрасса қатнов учун очилади.

Сўнгги йилларда деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган «Урганч — Ҳазорасп» автойўналишида ишлар якунланиш арафасида. Воҳани мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи узунлиги 56 километрдан иборат ушбу йўлда транспорт воситаларининг тез ва хавфсиз ҳаракати учун барча қулайликлар мавжуд. Бу йўналишда йил охиригача 4,4 миллиард сўмлик тўла ва ўрта таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Янгиланишнинг яна бир гўзал манзарасини Урганч атрофидаги айланма йўл ҳамда шаҳар марказидаги кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари мисолида кўриш мумкин. Ушбу бунёдкорликлар учун 6,8 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, унинг асосий қисми шу йил охиригача тўла ўзлаштирилади.

Очиқ осмон остидаги музейлар шаҳри — Хивани вилоят марказидан унчалик олис бўлмаган масофа ажратиб туради. Сайёҳлар ва меҳмонларни бу гўзал масканга элтувчи йўл Истиқлол айёми арафасида бутунлай қайта қурилди.

— Истиқлол йилларида йўлсозлар ихтиёридаги техника ва механизмлар замонавийлари билан алмаштирилиши иш суръати ва сифатини бир неча баробарга ошириш имконини берди, — дейди **Урганч туман Йўл хўжалиги корхонаси устаси Зарифбой Саидов.** — Битта «Фогель» машинаси кунига 1500-1600 тонна миқдоридаги асфальтни бемалол ётқиза олади. Бу аввал ишлатиб келинган машиналар иш унумига қараганда 3-4 баравар кўп демакдир.

Шаҳару қишлоқларимиз, узоқ-яқин эллар, юртларни бир-бирига боғловчи йўллар диёримизнинг олтин камари. Йўли соз юртнинг истиқболи порлоқдир. Мустақил мамлакатимизда йўл хўжалигини янгилашга қаратилган стратегик тадбирлар ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

# ЯНГИ ИНШООТЛАР

## *фойдаланишга топширилди ҳамда 100 га яқин янги иш ўрни яратилди*

ЯҚИНДА ОЛТИНСОЙ ТУМАНИДА 21 ТА КЎРКАМ МАСКАН ИШ БОШЛАДИ.

Жумладан, «Марказ» маҳалласидаги икки қаватли муҳташам Мусиқа ва санъат мактаби ёшларни ўз бағрига олган бўлса, 17-умумтаълим мактабининг спорт зали ва 63-умумтаълим мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди.

Бунёдкорлик ишлари учун 2 миллиард 200 миллион сўм сарфланди.

— Бундай иншоотлар туманимиз кўркига-кўрк қўшиш баробарида, кўплаб янги иш ўринлари яратди, — дейди **туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Баҳодир Тоғаев.** — Янги иншоотларнинг ишга тушиши 100 нафарга яқин ёшларни иш билан таъминлади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Халқаро анжуман**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ АМАЛИЙ ФИЗИКА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ШУ МАВЗУДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЎТКАЗДИ.

# «ЯДРО ФИЗИКАСИ ФАНИ ВА УНИНГ ЮТУҚЛАРИ»

Унда мамлакатимиз ва дунёнинг 20 дан зиёд давлатидан келган олимлар иштирок этиб, фундаментал ва амалий ядро физикасининг замонавий йўналишлари, ядро технологиялари ишланмалари, уларнинг халқ хўжалигида қўлланиши бўйича фикрлашди.

— Анжуманнинг Самарқандда ўтказилишининг ўзига хос рамзий маъноси бор, — дейди **физика фанлари доктори, профессор Рустам ЗОИРОВ.** — Чунки бу шаҳар фан ва маданият марказларидан бири ҳисобланади. Биргина Мирзо Улуғбек ташаббуси билан қурилган мадраса ва расадхона ҳозир ҳам фаннинг оламшумул ютуғи сифатида баҳоланади. Бугун эса профессор Мусо Мўминов томонидан шаклланирилган мактабнинг вакиллари, уларнинг илмий ишлари дунё олимлари томонидан алоҳида эътироф этилади. Бундан ташқари Толиб Мўминов раҳбарлигида ядро физикаси лабораториясининг ташкил этилгани ҳам бу соҳада олиб борилаётган илмий ишларнинг савиясини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бугунги халқаро анжуманда ана шундай тажрибалар тўғрисида ўзаро фикр алмашдик.

— Ўзбекистонлик олимлар билан илмий ҳамкорликни ўрнатганимизга анча вақт бўлди, — дейди **«МАГАТЭ» халқаро ташкилоти вакили Рехти Кетх Чен.** — Бугунгача кўпгина самарали лойиҳаларни амалиётга татбиқ этганмиз. Бундан ташқари ташкилотимиз СамДУ Атом ва ядро физикаси ўқув лабораториялари асбоб-ускуналарини янгилаш ҳамда чет эл олимлари иштирокидаги семинар-тренинглар ўтказиш учун гранд ҳам ажратган.

— Айни кунларда СамДУ илмий лабораториясида ўндан зиёд ёш олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда, — дейди **ёш олим Аҳмаджон АБДУЖАББОРОВ.** Бу ерда ўрнатилган МТ-22 С русумли электрон тезлаткич қурилмаси ёрдамида ядро физикаси, радиофизика, радиобиология ва радиоэкология соҳасида замонавий тажрибалар ўтказилади. Олган илмий натижаларимиз дунёнинг нуфузли илмий журналларида ҳам чоп этилаяпти.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Футбол**

# ЎСМИРЛАРИМИЗ — ЧОРАК ФИНАЛДА!

ШУ КУНЛАРДА ЭРОНДА ЎСМИРЛАР (U-16) ЎРТАСИДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ФИНАЛ БОСҚИЧИ УЧРАШУВЛАРИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАГА КИРДИ. МУСОБАҚАНИНГ ГУРУҲ БОСҚИЧИ БАҲСЛАРИ ПОЁНИГА ЕТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТДИ.

AFC U-16 CHAMPIONSHIP

«Д» гуруҳида Ҳиндистон, Сурия ва Хитой ўсмирлари билан куч синашган ҳамюртларимиз илк ўйинни ўз фойдаларига ҳал этганини хабар қилгандик. Унда вакилларимиз ҳиндистонлик тенгдошларидан 3:2 ҳисобида устун келганди. Аммо кейинги кетма-кет икки учрашувда Дилшод Нуралиев шогирдлари рақибларини мағлубиятга учратишнинг уддасидан чиқишмади. Аввалига ёш футболчиларимиз Хитой ўсмирлари билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган бўлса, охирги баҳсда сурияликларга кичик ҳисобда имкониятни бой берди — 0:1. Аммо якунда 4 очко жамғарган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўз гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаб, чорак финалга йўлланмани қўлга киритди.

*«Д» гуруҳи. Якуний жадвал*

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Сурия | 3 | 1 | 2 | 0 | 2-1 | 5 |
| **Ўзбекистон** | **3** | **1** | **1** | **1** | **4-4** | **4** |
| Хитой | 3 | 0 | 3 | 0 | 4-4 | 3 |
| Ҳиндистон | 3 | 0 | 2 | 1 | 4-5 | 2 |

Энди 30 сентябрь куни мусобақанинг чорак финал ўйинлари бўлиб ўтади. Унда ўсмирларимиз Жанубий Корея футболчилари билан куч синашса, қолган жуфтликларда қуйидаги жамоалар ўзаро рўбарў келадилар: Ироқ — Қувайт, Эрон — Австралия, Сурия — Япония.

**Эркин ХОЛБОБО**

# «ШЎРТАНГАЗКИМЁ»

## мажмуаси жамоаси

мамлакатимиз таълим соҳаси ходимлари, азиз муаллим ва мураббийлар, қадрли устозларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни, умумхалқ байрами билан муборакбод этади.

**Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилаймиз!**






## Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

# «Асака» банк (ОАЖ)

Сизларни Ўқитувчи ва мураббийлар куни, умумхалқ байрами билан қутлайди ва миллий валютадаги қуйидаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:

**«МУРАББИЙ-2012»**

Сақланиш муддати — 3 йил, фоизлар ойма-ой ҳисобланиб, коммунал ва бошқа тўловлар (электроэнергия, иситиш, газ, иссиқ ва совуқ сув, телефон, ўқиш учун, даволаниш учун ва бошқалар)га йўналтирилади.

**Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

*Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:*
**120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| «Автотранспорт» филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| «Фарҳод» филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| «Афросиёб» филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.



*Хизматлар лицензияланган.*


**Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

*қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича*

## ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи | | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚС билан | ҚҚСсиз | |
| 1. | Самарқанд шаҳар, Спитамен кўчасида 48 квартирали уй қурилиши | 4 679 926 513 сўм | 3 899 938 761 сўм | 12 ой |
| 2. | Каттақўрғон шаҳар, Амир Темур кўчасида 4 қаватли 48 квартирали уй қурилиши | 4 580 891 324 сўм | 3 817 409 437 сўм | 12 ой |

**Қурилиш ишлари банк томонидан бериладиган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Савдо ташкилотчиси*** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи:*** Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

***Манзили:*** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, ***телефон:*** (8366) 235-82-86.

***Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:*** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-50-76.***

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00 да ўтказилади.

MUASSIS:
XDP
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 946
10525 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 00.10
Topshirilgan vaqti — 02.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Asror MO'MINOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5